
Шукуруллохон Нисбатхонов Марғилон шаҳар ҳокими этиб тайинланди Халқ депутатлари Марғилон шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ишида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров иштирок этди.

2020 йилдан бери Марғилон шаҳар ҳокими бўлиб ишлаб келган Адҳам Зиявитдинов Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 27-28 июль кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида бўлиб ўтган йиғилишда ҳудудда ишларни лозим даражада ташкил этмагани учун лавозимидан озод этилганди.

Халқ депутатлари Марғилон шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида лавозимидан озод этилган Адҳам Зиявитдинов ўрнига янги шаҳар ҳоқимини тайинлаш билан боғлиқ ташкилий масала кўрилди.

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров томонидан тақдим этилган Нисбатхонов Шукуруллохон Холматхонович номзоди Марғилон шаҳар депутатлари томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланди ва ҳозирга қадар Қашқадарё вилояти солиқ бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаб келган Шукуруллохон Нисбатхонов шаҳар ҳоқими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўз олган вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров, ҳунармандлар шаҳри, тадбиркорлар юрти бўлган Марғилоннинг бугунги иқтисодий кўрсаткичлари мавжуд салоҳиятга умуман мос эмаслиги, шаҳарда йирик саноат корхоналари деярли йўқлиги, пировардида солиқ тушумлари паст эканлиги, хорижий инвестициялар ва экспорт ҳажми камайиб кетгани, кўп қаватли уйлар қурилиши сустлиги, ҳудудда ишсизлик юқори эканига танқидий эътибор қаратди.

Алломалар ватани бўлган Марғилоннинг таълим соҳасида Республика бўйича энг паст натижалардан бирига эга экани, шаҳарда бор-йўғи бир дона кутубхона мавжудлиги афсусланарли ҳолат экани қайд этди.

Хайрулло Бозоров Марғилон аҳлини рози қилиш, аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, янги иш ўринлари яратиб, хорижда юрган марғилонликларнинг қайтишлари ва муносиб меҳнат қилишлари учун шароит яратиш, тадбиркорлар учун ишонч муҳитини шакллантириш, хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, саноатни ривожлантириш, ҳунармандчилик ва туризмни янги bosқичга олиб чиқиш, бир сўз билан айтганда Марғилонда кескин ижобий ўзгаришлар қилиш бўйича янги шаҳар ҳоқими олдида турган устувор вазифаларни белгилаб берди.

Шукуруллохон Нисбатхонов 1969 йилда Қўштепа туманида туғилган. Андижон иқтисодиёт ва бошқарув институтини иқтисодчи мутахассислиги билан тамомлаган. 2000 йилгача Ёзёвон тумани давлат солиқ инспекциясида турли масъул вазифаларда ишлаган. 2000-2010 йилларда Фарғона вилояти давлат солиқ бошқармасида сектор бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари ва бўлим бошлиғи лавозимларида фаолият олиб борган. 2010-2014 йилларда Наманган вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари бўлган. 2014-2019 йилларда Қўштепа ва Фарғона шаҳар давлат солиқ инспекцияларида, Фарғона вилояти давлат солиқ бошқармасида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. 2019-2020 йилларда Фарғона вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари, 2020-2022 йилларда Фарғона вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи бўлган.

2022 йил апрель ойидан бери Қашқадарё вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаб келаётганди.

2023-08-12 09:02:03